



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
бўюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 16 февраль, № 34 (4187)

Жума

## Келажак қасрига бир фишт қўёлсак...

Бу Ватан саодатидан ғурурга тўлган бунёдкор фуқароларимизнинг орзусидир



Истиқлол йилларида барпо этилиб, фойдаланишга топширилган кўплаб иншоотларга нисбатан «Мустақиллик дастхати» деган таърифни ишлатсак, муболага бўлмас. Давлат бюджети ва хомийлар ҳисобидан 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига тўлиқ қайта таъмирланган республика Ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази ҳам ана шундай масканлардандир.



### Мустақиллик дастхати

Инсон манфаати, ижтимоий ҳимоя устувор этиб белгиланган мамлакатимизда кишилар саломатлигига ғамхўрлик кўрсатиш ҳукуматимизнинг доимий эътиборида.

Ана шундай изчил ислохотлар самараси ўлароқ, бунёд этилган марказ фаолияти билан танишар экансиз, бу ердаги хизматдан, йўлга қўйилган тартиб-ишзомдан баҳри-дилнингиз очилади. Малакали шифокорлар, кўз хасталиклари бўйича етук мутахассислар жалб этилган ушбу масканда энг замонавий тиббий ускуналардан унумли фойдаланилаётганини янада қувонардидир. Шунинг учун бўлса керак, мазкур тиббиёт даргоҳига умид билан келадиган ҳеч бир инсон тушқунликка тушмайди. Малакали ва тезкор тиббий хизмат кўрсатишни ўзларига шior қилиб олган шифокорлар имкон қадар барча хасталикларни бартараф этишга ҳаракат қилишади. Оқ халати эгнига ярашган шифокорларнинг ниятлари ҳам оптоқ: «Ҳеч бир инсон дард кўрмасин!»

СУРАТЛАРДА: марказ фаолиятдан лавҳалар.

Темур ҚУРБОНБОВЕВ олган суратлар.



## Миллий дастур — тақдиримизда!

Президентимиз 2006 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида ёшларимиз ҳақидаги масалани шундай қўйдилар: «Ун йил аввал Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинмаганида бугун нима бўлар эди?» Дарҳақиқат, вақт ўтган сайин ҳар бир воқеани худди шундай бўлиши керакдай қабул қилаверамиз. Холбуки, 1997 йилда Миллий дастур оламшумул воқеа сифатида қарши олинганди.

Келинг, Президентимиз томонидан қўйилган саволни юртдошларимизга бериб кўрайлик.

**Муҳаммадjon ХУЖАЕВ, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи:**  
— Мабодо ушбу дастур ҳаётга татбиқ этилмаганда, аниқки, мамлакатимиз тарққийети белгилаб берадиган ва ҳозирданқў ўз мевасидан баҳраманд этадиган таълим сиёсати шакланмас эди. Улкан ишга киришилгани, халқаро андозалардан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак,

айнан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан боғлиқ. Шундай экан, мен бошқача бўлишини тасаввур ҳам қилолмайман. Биласиз, истиқлолнинг дастлабки пайтлариданқ, гар-

**Ифтихор**  
чи муаммолар, ҳал этилиши низоҳатда зарур масалалар кўп бўлса-да, давлатимиз раҳбари таълим тизимини энг муҳим вазифалар сирасига киритдилар. Дастурнинг қабул қилиниши ҳам бевосита ана шу сиёсат ифодасидир. Мен дов-дарахтсиз табиати кўз олдимга келтиролмаганимдек, таълим-тарбиядаги ислохотларни ҳам мазкур дастурсиз тасаввур этолмайман.

да мактаб дейилса, кўрimsиз масканлар кўз олдимизга келарди. Гарчи устозларимиз ўз ишига пишиқ ва фидойи бўлсаларда, мактабда шарт-шароит етарли эмаслигини, тажриба ўтказиш учун асбоб-ускуналари йўқлигини бот-бот айтардилар. Ҳозирги шароитни хаёл ҳам қилолмасдик. Замонавий ўқув ускуналари ёрдамида таълим олаётган ўқувчиларимизга қараб тўймайман. Бор меҳри ва маҳоратини дарсга бағишлаган ҳамкасбларимизнинг турмуш фаровонлиги яхшиланиб бораётганидан қувонаман. Мана шуларнинг барчаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури шарофатидир. Ҳа, дастур қабул қилинмаганда, бундай ўзгаришлар қажда эди?!

**«Халқ сўзи» мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.**

Пошдаги «Ўзбекистон ўрамли том ёпқик ашёлари комбинати» очик турдаги акция-дарсда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури изчил амалга оширилмоқда.

### Қоғоз ўрнига СОМОН

Бундан бир муддат аввал картонга қўшилаётган қоғоз ўрнига сомон, похол ва қўғадан фойдаланила бошланди. Янгиликнинг жорий этилиши хомашё сифатида ишлатилаётган қоғоз сарфини ўн беш фоизга камайтирди. Яқинда корхона ихтирочиларининг яна бир тақлифи амалга оширилди. Эндиликда қоғоз ва сомон аралашмасидан қурилади санаяти учун муҳим ашё — ДВП ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу дегани — йил мобайнида 135 миллион сўмлик харидорбоп маҳсулот тайёрланади.

**Қудратилло НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## 2006 йилда

8 минг ўқувчи ўрнига эга 6 та академик-лицей

70 минг ўринли 124 та касб-хунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди

8,7 млрд. сўмлик ва 15 млн. АҚШ доллари миқдоридagi ўқув-лаборатория жиҳозлари харид қилинди

61 та янги мактаб қурилди

385 та мактаб капитал реконструкция қилинди

530 та мактаб таъмирланди

## Грант соҳиблари

Кеча пойтахтимиздаги «Марказий» меҳмонхонасида Ўзбекистон Нодавлат ва нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ўтказилган «Кичик грантлар» танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов, Ўзбекистон фахрийларни ихтиомий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси Э.Боқибоев ва бошқарув Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиздаги ислохотларни янада жаддалаштириш ва чуқурлаштириш, жамиятни демократлаштиришга нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз хиссасини қўшаётганини таъкидладилар.

— Жамғарманинг ташкил этилганига бир ярим йилдан ошганига қарамай, бир қанча лойиҳаларни эълон қилдик, — дейди Ўзбекистон Нодавлат ва нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқаруви раиси Нозим Хабибуллаев. — Ушбу грант ўтказиладиган лойиҳаларимизнинг учинчисидир. Жамғарманинг биринчи танловидида 19 нафар иштирокчи ғолибликни қўлга киритиб, уларга жами 73 миллион сўм миқдоридида грант ажратилганди. Иккинчи лойиҳада 15 нафар иштирокчига жами 100 миллион сўмлик грант берилди. Бу сафар уларнинг сони ҳам ошди.

Утган йилнинг октябрь ойида эълон қилинган маз-

кур танловга 70 дан ортиқ лойиҳа келиб тушди. Танлов орқали юртимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббусларини давлат идоралари кўмағида қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигида фермерларнинг саводхонлигини ошириш, бўш иш ўринларини ташкил этиш мақсадлари қўйилди. Танлов якунларига кўра, 23 лойиҳа эгаси ғолиб, деб топилди. Ва уларга 110 миллион сўмлик грант берилди, — Баъзи ҳолларда фермерлар ўз ҳақ-хуқуқларини билмаётганлиги боис муаммоларга дуч келишмоқда, — дейди грант соҳибаси, хоразмлик Анабиби Саиджонова. — «Фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» мавзусидаги лойиҳам билан уларга кўмаклашмоқчиман.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўтган ва ҳозирги замон авиацияси кўргазмаси

Тошкентдаги «Фото уйи»да очилган «Жанубий почтачи» деб номланган кўргазма ўзбекистонлик ҳамда французлик фотосталарининг биргаликдаги ижодий ҳамкорлиги самарасидир. Кўргазманинг очилишига кўплаб саяҳатсеварлар, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрди. Таъкидлаш жоизки, кўргазмада саяҳат икломчилари ҳуқуқи парвози ва бадий ижод намуналари тақдим этилган. Кўргазмадан ноёб анжомлар, самолётлар, аэропорт ва авиация мавзуга


бағишланган фотолар, француз учувчиси, ёзувчи Экзюперининг яқинларига ёзган хатларидан парчалар ўрин олган. «Жанубий почтачи» кўргазмаси доирасида Камолдин Бехзод номидаги рассомлик ва дизайн институти талабалари, республикамизнинг коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида расмлар ва иллюстрациялар танлови ўтказилди. Шоазиз Муродов, Римма Исмагилова, Рустам Комиловлар танловда ғолиб чиқиди.

**Юлдуз РИЗАЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ЭШИТДИНГИЗМИ ?

Бундан бир ҳафта муқаддам словениялик Мартин Штрель Амазонка дарёси бўйлаб 5400 километрлик масофани сузиб ўтишга киришганди. 52 яшар бу одам сафарини Перудуги Аталая шаҳарчасидан бошлади. Сузишни у Атлантика океани соҳилидаги Белен (Бразилия) шаҳрида тугатишни режалаштирган. «Балиқ-одам» лақабини олган Штрель 2004 йилда ўрнатган рекордини бир ярим минг километрга янгилamoқчи.

ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН



Айтиш жоизки, юртимизда Истиқлол туғайли экологик хавфу хатарни бартараф этиш, табиатга муносабатни тубдан яхшилаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Орол денгизи бўйида яшил ҳудудлар яратилиши, шаҳар ва қишлоқларимизда янги бог-роғлар ва хиёбонлар барпо этилиши, магистраль йўлларимиз, кўчаларимиз саришта гулзорлар билан безатилиши аънаъга айланди.

Табиат мусофрфолиги ўзимизга боғлиқ

Бундай хайрли ишлар мамлакатимиз Президенти томонидан кўрсатилган эътибор самараси, десак, янгилимаймиз. Зеро, давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқаришларида мамлакатимиз экологисини бўйича амалга оширилган лозим бўлган ишлар хусусида алоҳида тўхталиб, зарур таътирлар беради. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида алоҳида эътибор талаб қилинадиган устувор йўналишлардан бири — бу коммунал хўжалик соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш зарур эканлигини таъкидлаб ўтди. Коммунал хўжалик соҳасидаги асосий муаммолардан бири эса, машиини чиқиндилар билан боғлиқ масалаларни тартибга солиштириш.

Табиатга жиддий таҳдид солаётгани муаммолигича қолмоқда. Бу борада кўпдан-кўп ибратли ишлар амалга оширилгани, айниқса, пойтахтимизда, вилоят марказларида озодликка эътибор берилганда, эътибори ҳеч кимга сир эмас. Тошкент шаҳридаги кўча ва хиёбонлар мунтазам супуриб-сидирилиб, чиқитлар ўз вақтида олиб чиқиб кетилгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Лекин, минг афсуски, пойтахт озодлигига бу каби эътибор ҳамма вақт ҳам ҳамшаҳарларимиз томонидан етарлича қадрланганга ўхшамайди. Айрим одамлар хонадонларидаги чиқитларни целлофан туруваларга жойлаб, йўлак четларига ташлаб кетиши, ариқ ва аёқорларга итқитавтган ҳолатлари кузатишмоқда. Ҳолбуки, 2002 йили Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида қабул қилинган "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонунда бу чиқиндиларнинг инсонлар ҳаёти ва сийҳат-саломатлигига, атроф-муҳитга, табиат муҳозазасига жиддий шикаст етказилишининг олдини олиш борасида, чиқиндилар хосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолияти учун ҳуқуқий асос яратилган. Шунингдек, мазкур ҳужжатда чиқиндиларни бартараф этишга маъсۇл ташкилотларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва-

қолатлари белгилаб берилган. Шу билан бирга, унда аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Сир эмаски, чиқиндиларнинг асосий қисми мазкур шахслар томонидан хосил қилинмоқда. Очигини айтганда, тева-рак-атрофининг, табиатнинг ифлосланиши нафақат инсон саломатлигига, балки унинг маънавий оламига, бутун бир жамият ҳаётига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, "Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури" қабул қилиниб, унда чиқиндилар билан боғлиқ масалага алоҳида эътибор қаратилган. Дастурда қўйилган масалалардан келиб чиқиб, "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соқлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўқиммункичма" агентлиги, "Санотконтехназорат" давлат инспекцияси ҳамкорлигида "Ўзбекистонда чиқиндиларни бошқариш" лойиҳаси доирасида соҳадаги ишларни мажмуавий тарзда олиб бориш учун устувор йўналишлар ва чора-тадбирлар режаси лойиҳаси тайёрланди. Мазкур режа тегишли қарорлар қабул қилинаётганда аҳоли саломатлиги ва эко-

логик тизим муҳофазасининг долзарблиги, атроф-муҳит ифлосланиши ва таназзулининг олдини олишда маъмурий ва иқтисодий механизмларнинг уйғунлиги ва чиқиндилар бошқаруви соҳасидаги миллий ва глобал муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликда фаол иштирок этиш каби асосий тамойилларга асосланиб ишлаб чиқилган. Режа чиқиндилар бошқаруви соҳасида республикамизда мувофиқлаштирилган тизимни ташкил этиб, соҳада ташқи ва ички инвестициялардан оқилона фойдаланиб, кенг қамровли ишларни амалга оширишни талаб этади.

Лойиҳа доирасида режа-ни амалга ошириш учун таъриб лойиҳалари тайёрланган, хусусан, Тошкент, Бухоро ва Навоий шаҳарлари ҳокимликлари, санот корхоналари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, коммунал хизмат вакиллари учун чиқинди билан ишлаш ва масалага тўғри ёндашувини шакллантириш бўйича бир неча ўқув семинарлари ва амалий тадбирлар ўтказилди. Бундан ташқари, лойиҳа асосида бутун республика бўйича ҳар бир тур чиқиндилари: санот корхоналари, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт соҳасида хосил бўладиган ва бошқа чиқиндиларнинг бошқаруви тизими

республикада мавжуд чиқиндиларнинг техник ҳолатини яхшилаш, жаҳон андозаларига мос янги чиқиндилар қуриш билан бирга, чиқиндилар хосил бўлишини камайтириш ва ундан қайта фойдаланишни қўзда тутди. Албатта, чиқиндиларнинг модернизация қилиш катта куч ва маблағ талаб этади. Шу боис бирламчи мавжуд маблагнинг чиқинди хосил бўлишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган лойиҳаларга сафарбар этилиши мақсадга мувофиқдир.

Яна бир гап. Чиқинди муаммосини бартараф этишда босқичма-босқич ҳаракат қилишга асос берувчи қонунчилик базаси мавжуд. Шу билан бирга, яна бир қатор масалалар борки, улар қўшимча аниқлик киритилишини тақозо этади. Масалан, чиқинди эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, чиқиндини йиғиш, ташвиш, қайта ишлаш, зарарсизлантириш ва жойлаштирилиши мониторингини ўтказиш тартиби бўғунги кун талаби даражасида аниқ белгилаб берилиши, чиқинди хосил бўлишининг меъёри белгилаб берилиши, лимитлаштириш ва паспортлаштириш жараёни соддаштирилиши ва тартибга солиниши лозим, деб ўйлаймиз. Мазкур режа чиқинди билан боғлиқ экологик, ижтимоий ва иқтисодий масалалар ечимини ўз ичига олади, албатта. Зеро, атроф-муҳитга доғ бўлиши чиқинди инсон саломатлиги учун зарарлидир. Шу маънода, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш билан боғлиқ ҳақиқий инфратузилмани шакллантириш — кўчаларимиз озодлигини таъминлаш, энг аввало, табиатни муҳофаза қилиш, ҳаётни, унинг бутун ўзгаллигига жозибасини, оламнинг мусофрфолигини қадрлаш, демаски. Бу ҳар биримизнинг зиммасидаги инсоний бурч бўлиб, бундай хайрли, савобли ишлардан четда туришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Гофир АЛИЕВ, Олий Мажлис Саноат Аграр, суғ хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.

Фарғона вилояти шаҳар ва туман газеталарида Фаолият кўрсатаётган журналистларнинг ўртача ёши 54 ёшни ташкил этади. Бунинг сабаби шуки, кейинги йилларда Тошкентдаги олий ўқув юртлири журналистика факультетларини битирган фарғоналик ёшларнинг кўпчилиги пойтахтдаги оммавий ахборот воситаларида ёки бошқа соҳаларда ишлашяпти.

Учрашув меҳнат бозорига айланиб кетди

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ҳамда Ўзбекистон Муастахкам Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан фарғоналик бир гуруҳ журналистлар — туман ва шаҳар газеталари бош муҳаррирлари, етакчи ижодий ходимлари таърибга ўрганиш учун пойтахтга келишганини аввал хабар қилган эдик. Кеча улар Ўзбекистон Давлат Кеча улар тиллари университети журналистика факультети талабалари меҳмони бўлишди.

Учрашувда, шунингдек, туман ҳамда шаҳар газеталарининг электрон почталарини, веб сайтларини ташкил этиш, улар орқали талабалар ва газеталар ўртасида алоқа ўрнатиш тақдирлари ҳам ўртага ташланди. Сўзга чиққанлар учрашув самарали ўтганини эътироф этган ҳолда, келгусида бошқа вилоятлар журналистлари билан ҳам шундай мулоқотлар ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлашди.

Учрашувда, шунингдек, туман ҳамда шаҳар газеталарининг электрон почталарини, веб сайтларини ташкил этиш, улар орқали талабалар ва газеталар ўртасида алоқа ўрнатиш тақдирлари ҳам ўртага ташланди. Сўзга чиққанлар учрашув самарали ўтганини эътироф этган ҳолда, келгусида бошқа вилоятлар журналистлари билан ҳам шундай мулоқотлар ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлашди.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Сиз суратда кўриб турган кўркам бинода Сўх тумани ҳокимлиги жойлашган эди. Президентимиз томонидан 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати ила туман ҳокимлиги ўз биносини поликлиникага бериш ташаббуси билан чиқди.



Поликлиника ҳокимлик биносига кўчиб ўтди

Тўғрида, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи поликлиника биноси ҳарор, бир ҳафта икки-учта врач миқозларини қабул қилса-ю, туман раҳбарлари шундай хашаматли иморатга ўтирса. Шу йилнинг 3-январь кунини ҳокимлик биносини бўшатиб берди. Бугун бу ерда туман марказий поликлиникаси ўз фаолиятини бошлаган. — Бу ташаббус дўхтирларимизни ҳам, миқозларимизни ҳам жуда ҳурсанд қилди. — дейди поликлиника бош врач Раҳматхон Файзиев. — Илгари хоналар етишмаслиги туфайли бир кунда 28-30 нафар беморни қабул қилган бўлсак, ҳозир бу кўрсаткич ўн бараварга кўпайди. Шунингдек, поликлиникамиз энг замонавий тиббиёт асбоблари билан ҳам жиҳозланди.

Содикжон ТҲОҲИРОВ.

Очигини айтганда...

Юрбошимизнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини ўз қизиқиши билан ўқиб, чуқур ўйга толдим. Маърузадаги ҳар бир жумла халқимиз фаровонлиги ва турмушнинг янада оқсалишига йўналиш берилган. Ушбу йиллар давомида ислохотлар инсон манфаати учун қилинган. Натيجида ҳар соҳада арзирли муваффақиятларга эришдик.

Саксовулзорлар кенгаймоқда

Айни кунларда Навоий вилоятининг чўл ҳудудларида саксовул уруғи ва кўчатларини екиш ишлари олиб борилаётир. Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Абдумалиқ Тоғеванин маълумотларига кўра, Қонимех, Қизилтепа, Нурута, Учқудўқ каби туманлар ҳудудларидаги 510 гектар ерга саксовул кўчатлари екиш режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар вилоят бўйича 260 гектар ерга саксовул уруғи қадалди. Шунингдек, 295 гектар майдонга 300 минг тул саксовул кўчати экилди. Чўлашувнинг олдини олишга қаратилган бу каби хайрли ишлар март ойининг ўрталарига қадар давом этади.

Азамат ЗАРИПОВ.

Туман газетаси — қалқаро танлов ғолиби

Ушбу йил «Эй энд ДИ РУС» Россия журналистлари уюшмаси оммавий ахборот воситалари ўртасида аҳоли саломатлигига бағишланган энг яхши мақолалар эълон қилган нашр танловини ўтказган эди. Яқинда ушбу танловга якун ясалди.

Жавобгар — ҳамма, демак, ҳеч ким

Яна шу нарсасига ҳам амин бўлдимки, ҳар биримиз баробар жон кўйдириб фикрлашсак, ишласак, давлатимиз раҳбарлари ҳақида қўйиб ташлашнинг ҳеч қандай эҳтимоли йўқ. Бундан ташқари, ҳар биримизнинг ҳаётидаги ҳар бир қарорларимизнинг ҳар бири ҳаққонанча аниқ амалий натижа бераётгани йўқ. Бу қарорларнинг ақсарияти ойлаб, ҳатто йиллаб баҳариланмасдан қолмоқда, деб таъкидлангани бунинг тўла исботидир. Билмадикки, бундай маъмурийликнинг бошқа соҳаларда ҳам рўй бермоқда. Шу ўринда тўй-хашамлар, оилавий тантаналар, наъра-ка ва маросимларнинг ихчамлаштирилиши, ортинча дабдалавозлик ҳамда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳақидаги Фармонимиз эътиборли. Мазкур Фармон 1998 йилнинг 28 октябрда эълон қилинган бўлиб, орандан тўққиз йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Ушбу йиллар мобайнида биз нималар қилдик? Фармоннинг бандлари тўлиқ баҳариландими? Тўғри, давлатки бир-икки йил мобайнида тўй-хашам ва марказлар бироз тартибга солингандек бўлди. Кейинчалик камтарлик, оддийлик каби хислатлар манманлик, тақабурлик соҳасида қола бошлади. Яқинда бир дўшман мактабни, «Мен пулни пешона терим билан топаман, шунинг учун биттага битта қизини узатганимизда чарлари қилимади. Унинг ўрнига келин билан кўёга Атлантада дам олишлари учун йўлланма олиб бердик» деб ҳолди. Энди бир йўлба кўрайлик: Атлантага олинган битта йўлланмадан пули қанча бўлади? Тўғри, бундан бундан энг сўнги янгиликни эшитганим шуки, никоҳ эшитганим билан қувва

маъсус вальсга ракс тушармиш. Бунинг учун улар тўғридан аввал пул тўлаб, ракс ўрганишаркан. Ёки ота-онаси хотирасига ўтказилган амри маъруфни видеога олдириши нима деб аташ керак? Билмадикки, Хуллас, ошқандан ошиб борамиз. Сендан мен ўзиман пойғаси авда. Бундай аҳвол Фармон талабларини баҳариланган бирдек англамаётганга ўхшаймиш. Маърузада «...Бирок, афсуски, қабул қилинган суд қарорлари ижросини таъминлаш чоралари ҳақида аниқ амалий натижа бераётгани йўқ. Бу қарорларнинг ақсарияти ойлаб, ҳатто йиллаб баҳариланмасдан қолмоқда, деб таъкидлангани бунинг тўла исботидир. Билмадикки, бундай маъмурийликнинг бошқа соҳаларда ҳам рўй бермоқда. Шу ўринда тўй-хашамлар, оилавий тантаналар, наъра-ка ва маросимларнинг ихчамлаштирилиши, ортинча дабдалавозлик ҳамда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳақидаги Фармонимиз эътиборли. Мазкур Фармон 1998 йилнинг 28 октябрда эълон қилинган бўлиб, орандан тўққиз йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Ушбу йиллар мобайнида биз нималар қилдик? Фармоннинг бандлари тўлиқ баҳариландими? Тўғри, давлатки бир-икки йил мобайнида тўй-хашам ва марказлар бироз тартибга солингандек бўлди. Кейинчалик камтарлик, оддийлик каби хислатлар манманлик, тақабурлик соҳасида қола бошлади. Яқинда бир дўшман мактабни, «Мен пулни пешона терим билан топаман, шунинг учун биттага битта қизини узатганимизда чарлари қилимади. Унинг ўрнига келин билан кўёга Атлантада дам олишлари учун йўлланма олиб бердик» деб ҳолди. Энди бир йўлба кўрайлик: Атлантага олинган битта йўлланмадан пули қанча бўлади? Тўғри, бундан бундан энг сўнги янгиликни эшитганим билан қувва

Қонун ижроси билан кучли

Тасаввур қилинг: кундалик фаолият мобайнида бирор чигал ҳолга дуч келингиз. Бундай вазиятда бартариб одамлар масалани шундай қўйишди: ҳўш, бу муаммо хусусида қонун нима дейди? Андиқон вилоятда бир гуруҳ тадбиркорларни овораю сарсон қилган муаммо билан танишиб чиқишга тўғри келди. Келинг, масалани қадамба-қадам қонунларимизда белгиланган талабларга биноан кўриб чиқайлик.

Улар йигирма етти нафар эдилар. Узаро аҳил-ноҳил эдилар. Шу боис бир неча йил муқаддам тадбиркорларга кенг йўл очилгани туфайли хайрли бир ишга жазм этишди. Узлари ишлаётган — Андиқон шаҳрининг Машраб кўчасида жойлашган «1000 хил эҳтиёж моллари» савдо уйини хусусийлаштириб олишди. Корхона Низомига «Жамоа «Савдо уйи» мулкига эғалик қилди, уни бошқаради ва тасарруф этади» деган тартиб-қоидадан муҳрлаб қўйишди. Аммо эндиликда дунёнинг ажабтовор ишлари олдига лол бўлиб турибдилар. Узлари айбдор бўлмаган ҳолда қонуний мулкларидан айриди, икки ёзу икки қишди, судда-суд қатнаб юрибдилар. Бунинг ўзига ҳис сабаблари бор. «Отабек-10» фирмаси раҳбари Халимжон Комилов 2003 йил кузда хусусий очик акциядорлик тижорат «Истикболбанк»дан кредит олишга аҳд қилади. Унинг қайтарилишини таъминлаш учун эса ўзига заррача алоқаси бўлмаган «Савдо уйи»нинг 5 та бўлган, 47 та хона ва бир неча бостирмадан иборат биносини гаровга қўйишни кўнглига тугади. Шу ниятда корхона директори Музаффар Обидовга мурожаат этади. М.Обидов 2,4 минг квадрат метр майдонни эғаллаган бу иншоот жамоа мулкки эканлигини, кўпчилик розилигисиз бирон иш қилишга ҳақи йўқлигини тушутириш ўрнига тескари йўл тутди. Хамкасблари билан масхалашмай, оқибатини ўйламай, нетмай, 27 ноябрда банк билан гаров шартномаси тугади. Шаҳардаги 1-давлот нотариал идораси нотариуси Д.Қурбоновнинг ўз бурчига лоқайдлиги

МАНФААТ ЭМАС, ҲАҚИҚАТ

нунг 271-, «Гаров тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасига биноан, қўшимча равишда давлат рўйхатида ўтказилмайдими. Устига устак, Х.Комилов, одатдагидек, лафзиде турмайди. Бот-бот оғохлантирилса-да, кредит қолдини қайтармайди. Кўпайиб-кўпайиб, 11 миллион сўмдан ошиб кетган фойз пулини ҳам тўламайди. Тадбиркорнинг мана шу боқибегамлиги-ю директорини ўзбошимчилиги жамоа учун ниҳоятда қимматга тушади. Негаки, узайтирилган муддат тугани хамона банк филиали пулини ундириб олиш мақсадида вилоят хўжалик судига даъво-ариза қилинади. Шу муносабат билан хўжалик иш кўзга тилади. Судья И.Солиқонов 2005 йил 11 апрелда даъво қаноатлантиради. Гаров шартномаси ва келишув битимига асосланиб, ундирувчи гаровдаги мулкка қаратади. Суд ижросини Д.Исоқов эса гаров ҳамда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунлар талабларига риоя қилмайди. Бинони белгиланган тартибда баҳолатамай, «Ким-ошди» савдосига чиқармай, бевосита даъвогар тасарруфига ўтказди. Филалдагилар уни «Отабек-10»нинг қарзи эвазига «Харакатчи» масъулияти

Суд мажлисида «Савдо уйи» вакиллари фақатгина корхонани бошқариш ҳуқуқига эга бўлган собиқ директори ваколати доирасидан чиқиб, иш тутганини таъкидлашди. У имзолаган гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топди ва ундирувчи «Отабек-10» фирмасига қаратиш тўғрисидаги қарши даъво-ариза билан чиқмади. Бунга жавобан иккинчи тараф гаройиб бир далилни рўжак қилади. Гаройиблиги шундаки, 2003 йил 21

Судья И.Солиқонов унинг кўрсатмаларига муносабат билдирмади.

«Савдо уйи» таъсисчилари бу воқеалардан «Харакатчи»дан оғохлантириш хати олгачина, воқиф бўлидилар. Дарҳол йиғилиш чакриб, М.Обидовни вазифасидан бўшатдилар. Сўнгра унинг ҳуфи ишидан, ҳал қилув қарори ва мулкларни сотилганидан сўнда вакиллари қатнашмаганини баён этиб, янги директор У.Жалилов номидан қозғо қоралайдилар. Суд бу вақтарни аризага маълум бўлмаган, иш учун муҳим ҳужжатлар сифатида баҳолалаб, ҳал қилув қарорини бекор қилади. Низоини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ақрим чиқаради.

Судья И.Солиқонов унинг кўрсатмаларига муносабат билдирмади.


«Савдо уйи» вакиллари фақатгина корхонани бошқариш ҳуқуқига эга бўлган собиқ директори ваколати доирасидан чиқиб, иш тутганини таъкидлашди. У имзолаган гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топди ва ундирувчи «Отабек-10» фирмасига қаратиш тўғрисидаги қарши даъво-ариза билан чиқмади. Бунга жавобан иккинчи тараф гаройиб бир далилни рўжак қилади. Гаройиблиги шундаки, 2003 йил 21

**ЖАҲОН**

**24 соат ичида**



**АҚШ жорий йил сентябрь ойига қадар 7 минг нафар ироқлик билан суҳбат ўтказиб, уларга қочқинлик мақомини беришни режалаштирмоқда.** Ироқда уруш бошлангандан буён Америка ҳукумати 463 қочқинга сиёсий бошпана берди. Айни пайтда уруш туфайли тўрт миллион нафарга яқин аҳоли ўз ватанларини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. БМТ маълумотларига кўра, ҳар ойда ўртача 50 минг ироқлик бошқа давлатларга чиқиб кетмоқда.



**Жорж Буш маъмурияти Россияга мурожаат қилиб, Эронга қурол-яроғ етказиб бермасликка чакирди.** Бу ҳақда АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Николас Бернс баёнот берди. Унинг сўзларига кўра, қурол етказиб бериш ҳақида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий Техронга қўллаган резолюциясига зиддир.



**Ливаннинг собиқ Бош вазири Рафиқ Ҳарийнинг ўлимига икки йил тўлиши муносабати билан Байрут марказига бир неча ўн минглаб намойишчилар йиғилди.** Митинг гарчи тинч тарзда ўтказилган бўлса-да, ҳукумат тартибсизликларнинг олдини олиш мақсадида хавфсизлик чораларини кучайтирди.



**Европарламент Америка Марказий разведка бошқармаси (МРБ) билан ҳамкорлик қилган иттифоққа аъзо давлатлар масаласини муҳокама қилмоқда.** ЕИнинг олий органи 14 та аъзо мамлакат ҳукуматини терроризмда гумон қилинган шахсларнинг ноқонуний тарзда иттифоқ худудидан олиб ўтилиши ва ушлаб турилишида МРБга яқиндан кўмак берганлиқда айблamoқда. Мазкур ишни ўрганиб чиққан комиссия хулосаларига кўра, Америка махсус хизмати 1200 та самолёт қатновини махфий тарзда амалга оширган.



**«DaimlerChrysler» автомобиль ишлаб чиқарувчи корпорацияси Шимолий Америка давлатларида зарар кўриб ишлаётган бир қатор компанияларини ёпмоқчи.** Агар улар ўз фаолиятини тўхтатадиган бўлса, 13 минг нафар одам ишсиз қолади. Утган йили АҚШдаги компаниялар маҳсулотларига талаб 7 фоизга камайиб кетди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

**КОМПЬЮТЕРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Тендер ўтказилиши тартиби ҳақидаги маълумот ҳамда тендер ҳужжатлари тўпламини ишчи гуруҳидан куйидаги манзил бўйича олиш мумкин:  
**Тошкент ш., Абай к., 4-уй. Телефонлар: 144-97-66, 144-97-45, 144-97-14. Ички телефонлар: 766, 745, 714. Факс: 144-22-96.**

Тендернинг дастлабки квалификация қатновидан ўтиш учун талабдорлардан аризалар эълон чоп этилгандан бошлаб 20 кун давомидан, тендер таклифлари эса 30 кун мобайнида ҳар куни (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

иши юритиш қоидаларини бузгани, иншоотни банк муассасасига ноқонуний олиб бергани аёнлашди. Пировадда унга дахлдор далолатнома ноқонуний деб топилди, олди-сотида шартномаси ҳам бекор қилинади. Бирок гаров шартномасига боғлиқ даъво қаноатлантирилмайди. Бунга «Савдо уйи» Низомиди директорнинг шартнома тузишдаги воқолатларини чеклаш ҳолатлари кўрсатил-

маблагини қайтариб олишми ёки бизни жойсиз ва ишсиз қолдиришимиз?..  
**О**чиги, биз бу жумбоқ сирини билмаймиз. Фақат бир гапни айта оламиз. 17-0605-213-сонли ишчи йил май ойида текшириб чиққан Олий ҳужалик судининг қассия судлов ҳайъати бу сафар ҳам вилоят суди қарорларини ўзгартириб, даъвогар талабларини тўлиқ рад этди. Асос мазмуни куйидагича: «Ҳужалик-процессуал кодексининг

дир пулини қай мақсадларга сарфлаганига, не сабаб катта қисмини қайтармаганига, бино сотилиши арафасида тўғри нархланган-нархланмаганига, «Харакатчи» уни қайси маблаг эвазига харид қилганига қизиқмаган. Олий ҳужалик суди судлов ҳайъатлари эса, асосий эътиборни масаланинг туб моҳиятига эмас, қуйи босқич судлар «Савдо уйи» даъво-аризасини иш юритишга қабул қилиш ва кўриб чиқишда йўл қўйган хато-камчиликларга қаратишган. Уларнинг қарорларини иккала сафар ҳам шу нуктага назардан баҳолашган.

Албатта, инсоф оза-дан қараганда, ҳақини талаб қилган банк филиалини, қонунга суюнган судларни ва бинони сотиб олган корхонани айб-лаш ноқоидадек туюлади. Лекин оқибати-чи, оқибати нима бўлди? Кузга келиб, «Харакатчи» савдо уйи-ни иншоотдан мажбурий кўчиришни сўраб, ариза берди. Вилоят ҳужалик суди унинг талабини қон-дирди. Оқибатда бутун бошли жамоа кўчада қол-ди. Жойидан маҳрум бўлгани камлик қилган-дай, бино арзон пуллан-гани туфайли катта миқ-дорда моддий зарар ҳам кўрди. Унинг вилоят ва шаҳар ички ишлар ҳамда прокуратура идораларига баённома сохталиги ху-су-сида йўллаган аризалари эса охиригача текширил-мади. Суд қарорлари мав-жудлиги баҳонасида тўхтатилди. Тагин-да ажабланирлиси, 1-давлат нотариал идораси ушбу ҳужжатнинг аслини ўр-ганишга такдим этмади. Хўш, нега? Бу идорада ўша баённома борми-йўкми ўзи? Бор бўлса, даъвогар мудом зур бе-риб уқтириб келаётгани-дек, ростида камбаки-ми? Акс ҳолда, нотари-ус-чилар нимадан чўчишап-ти, бўлар ишни нега пай-салга солишяпти?

Бизнингча, бу саволларга қатъий жавоб топилса, кўп нарса ойдинлашарди. Энг муҳими, тадбиркор-ларга шароит яратилишдан умидвор бўлган «Савдо уйи» аҳли кўнглидаги шубҳа-гумон тарқаб, ортиқча оворагарчилигу шикоятбозликлар барҳам топарди.  
**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.

**УСТУН**

маган. Даъвогар гаров шартномаси мажбуриятлари иккинчи тараф томонидан тўлиқ бажарилгунга қадар бирон-бир эътироз билдирмаган, уни бекор қилиш талабини қўймаган» деган фикр асос қилиб олинади. Апелляция суди бу хулосани қўллаб-қувват-лайди.  
— Шундан сўнг биз қонуларни ўрганиб мул-кимизни сақлаб қолиш-нинг бошқа чорасини из-ладдик, — деб ёзади «Сав-до уйи» аҳли тахририяти-мизга йўллаган шикоят-аризасида. — Излай-из-лай, орани кейинчалик очик қилиб олишга кели-шиб, «Отабек-10»нинг қарзини корхонамиз ҳис-обидан қоплашга қарор қилдик. Утган кўкдам бу ҳақда «Алоқабанк» фили-али бошқарувчиси А.Бол-табовга уч марта мактуб юбордик. Пулни банкнинг қайси ҳисоб рақамига ўтказишимиз тўғрисида кўрсатма беришни сўра-дик. Афсус, бирортаям жа-воб ололмадик. Банкчилар Х.Комилловнинг бурноғи йил 21 июлдаги «Отабек-10» фирмаси ҳисоб рақ-амга икки ойча бурун ке-либ тушган 20 миллион сумни қарз ҳисобига сўндириш ҳақидаги илти-мосига ҳам шу тахлит му-носабатда бўлишганди. Хўш, уларнинг асл мақса-ди нима ўзи — кредит

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
ректорати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги ПҚ-92-қарори 6-банди вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида 2006-2007 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш учун ишга тақсимлаш бошланганлиги тўғрисида хабар қилади.

Шу муносабат билан битирувчи ёш мутахассисларга сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда эҳтиб бўлса, жорий йилнинг 15 мартига қадар университет маркетинг бўлимига таклифлар беришингизни сўраймиз. Куйидаги жадвалда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсида университетни тугатаётган юқори малакали ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотни сизнинг эътиборингизга ҳавола этамиз.

**БАКАЛАВРИАТ**

Шу жумладан, вилоятлар бўйича

Т/р	Йўналишлар номи	Шу жумладан, вилоятлар бўйича																
		Битирувчиларнинг умумий сони	Вилоятлик битирувчилар сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент ш.	Бошқа давлатлар
1.	Менежмент (соҳалар бўйича)	7	1															6
2.	Дизайн	10	1															9
3.	Иктисодиёт (тармоқлар бўйича)	12	6															6
4.	Маркетинг (тармоқлар бўйича)	58	24	2	5	3												34
5.	Электроника ва микроэлектроника	30	19			1												11
6.	Метрология, стандартлаш ва сертификатлаш	15	8															7
7.	Асбосозлик	19	11			2												8
8.	Автоматлаштириш ва бошқарув	26	17			6												9
9.	Радиотехника	11	7															4
10.	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси	9	6															3
11.	Машинасозлик технологияси, машинасозлик жиҳозлари ва автоматлаш	14	9															5
12.	Ер усти транспорт тизимлари	11	6															5
13.	Агроинженерия	8	4															4
14.	Энергомашинасозлик	8	5															3
15.	Технологик машина ва жиҳозлари (тармоқлар бўйича)	9	4															5
16.	Пайвандлаб ишлаш технологияси ва машиналари	8	3															5
17.	Иссиклик энергетикаси	32	21															11
18.	Электротехника, электромеханика ва электротехнология	22	13															9
19.	Гидроэнергетика	11	6															5
20.	Электрэнергетика	26	12															14
21.	Энергия теҳаш, электротехник тизимлари ва мажмуалари	14	6															8
22.	Нефть ва газ иши	55	37	1	1	4	2	1	1	2	2	1	3	1	5	1		18
23.	Нефть, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси	18	11															7
24.	Кимёвий технология	9	7															2
25.	Атроф-муҳит муҳофазаси	7	2															5
26.	Фойдали қазilmалар геологияси ва кидирув ишлари (қазилма турлари бўйича)	12	10															2
27.	Геодезия, картография ва кадастр	8	7															1
28.	Металлургия	22	20															2
29.	Кончилик иши	41	30															11
30.	Кончилик электромеханикаси	14	9															5
31.	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	8	2															6
32.	Касбий таълим (энергетика, нефть ва газ иши ҳамда ер усти транспорт тизимлари бакалаврият йўналишлари бўйича)	41	21	1	1													20
<b>ЖАМИ</b>		<b>595</b>	<b>345</b>	<b>4</b>	<b>8</b>	<b>24</b>	<b>8</b>	<b>22</b>	<b>7</b>	<b>28</b>	<b>21</b>	<b>10</b>	<b>72</b>	<b>8</b>	<b>14</b>	<b>119</b>	<b>250</b>	<b>0</b>

Сиз ўзингизни қизиқтирган ёш мутахассислар билан бевосита учрашиб, суҳбатлашиб, уларнинг битирув иши ҳимояларида қатнашиб, ўзингизни қизиқтирган бошқа маълумотларга эга бўлиш имкониятига эгасиз.  
**Таклифлар билан университетнинг маркетинг бўлимига мурожаат этишингизни сўраймиз.**

Манзил: 700095, Тошкент ш., «Университет» кўчаси, 2-уй (Талабалар шаҳарчаси).  
Тел.: 396-88-70, 393-10-32 (факс),  
www.tstu.uz

**Российский линолеум**  
Производство  
ЩекиноАзот г. Тула,  
Стройпластмасс г. Ульяновск  
тел. 134-48-11  
факс 134-49-58

**Республика Кўп тармоқли агросаноат биржаси Самарқанд филиали**  
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!  
2007 йил 12 март куни соат 11.00да республика Кўп тармоқли агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг савдолар залида объект бошлангич баҳоси оқорилаб борувчи тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.  
Суд ижрочилари Пастдарғом тумани бўлинмаси томонидан савдога қўйилган, Пастдарғом тумани, «Арабхона» ҚФЙ, «Болтали» маҳалласида жойлашган «11-кўча механизациялашган колонна» МЧЖга тегишли бино ва иншоотлар. 1983 йилда қурилган, қурилиш майдони — 1073.29 м2.  
Бошлангич баҳоси — 62 984 200 сўм.  
Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган харидорлар республика Кўп тармоқли агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг куйидаги ҳисоб рақамига 20208000404460401001, МФО 00317, СТИР 206074208, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»ка объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридидаги закалат пулларини тўлашлари лозим.  
Аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдоси бошланишига 1 кун қолганда тўхтатилади.  
Қўшимча маълумотлар учун республика Кўп тармоқли агросаноат биржаси Самарқанд филиалига мурожаат қилиш мумкин.  
Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 3-хона, Телефонлар: 210-11-07, 234-06-38, 241-59-01.

**Sonata NF Santa Fe**  
New Elantra Tucson  
Тел.: 150-00-70. Кафолат — 2 йил.  
www.hyundai-motor.com

# ОИЛАГА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ



Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг бевосита ташаббуси ва гоёси асосида Ватанимизнинг турли вилоятларида Амир Темури, Жалолиддин Мангуберди, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур, «Авесто» ва Алломишга ўрнатилган мухташам ҳайкал ва ёдгорликлар овозидек эришган халқимиз қандай буюк мақсадларни кўзлаб яшаётганини, унинг эзгу орзу-умидларини, миллий гоёмизни яққол ифодалаб турибди.

## Мустақиллик кадрятлари

Қаршининг 2700 йиллиги муносабати билан шаҳардаги кўплаб қадимий тарихий ёдгорликлар таъмирланди, янги бинолар қад ростлади, кенг ва раvon йўллар қуриб битказилди.

Бинобарин, шаҳарнинг бош майдонида бунёд этилган ажойиб монумент шахсан Юртбошимиз гоёси асосида яратилган ва бу обидага «Эл-юрт таянчи» деган номни ҳам ўзлари қўйиб берганлар. Бу ҳайкал халқнинг кўп асрлик тарихий тараққиётини умумлаштириб, унинг истиқбол сари ишқ билан интилаганини ифода этувчи тимсолга айланган.

«Этибор беринг, азиз дўстлар, — деди Юртбошимиз ушбу монументнинг тантанали очилишига бағишланган маросимдаги нутқида унинг мазмун-моҳиятини лўнда ифодалаб, — ушбу ҳайкал бойидаги тегиримон тоши баъсилади хайт гардиши каби шиддат билан айланиб, замон, давр тинимсиз ўзгариб боришини аниқлаб турибди. Тегиримон тоши узра бир-бирини араб-авайлаб, бир-бирига елкадош бўлиб, ўз она-занинида мустаҳкам турган, Қашқадарёни бутун дунёга танитган, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзига ишониб яшаётган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлган меҳнат-

каш оила тасвири мужассамлашган.

«Маънавият» нашриёти «Мустақиллик кадрятлари» туркумидан Қарши шаҳрининг бош майдонида ўрнатилган «Эл-юрт таянчи» монументи ҳақидаги «Меҳнаткаш халққа эҳтиром» номли рангли рисолини чоп этди. Рисола Юртбошимизнинг ушбу монумент очилишига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи билан бошланади. Рисоладан ана шу монументнинг турли лойиҳалари ҳақида Юртбошимизнинг билдирган фикрларини акс эттирувчи суратлар, монументнинг очилиши маросими, ҳайкалнинг йирик пландаги фрагментлари тасвири, турли соҳа кишиларининг мазакур монумент ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Маълумки, монументнинг очилишида иштирок этган вилоят меҳнаткашлари, узоқ-қўндан келган меҳмонлар унда ўзбек халқига хос миллий кадрятлар гоёт теран ифодаланганини эътироф этишди.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Майкл Барри Лейн бу монументда акс этган қиёфалар ҳақида шундай дейди: «Оила бошлиғи — кучли ва жумард эркак — мамлакат имкониятлари ва кудратининг, оддий

ва камсуқум ўзбек аёли — меҳрибонлик ва эзгулик рамзидир, ўғил — ўзига ишонган ва билимга интилаётган ёш йигит — бу келажакдир, қичкина қизалоқ эса бахт, гўзаллик рамзи, тарихнинг давомчидир».

Мамлакатимизда инсон манфаатлари устувор вазифа қилиб белгиланганлиги, бу юртининг равнақи тинчлик, осойишталик, ҳамжихатлик, бунёдкорлик каби тамойилларга таянишини ва ушбу монументда ҳам қандайдир маънода ўз аксини топганини диёримизда яшаётган барча халқ вакиллари яқдиллик билан эътироф этмоқдалар. «Ушбу ҳайкал, менимча, — дейди қаршилик ўқитувчи Оксана Елисеева, — бизнинг навқирон ва мустақил республикамизда қарор топган осойишталик, яратувчиликнинг тимсоллини ифода этади».

«Ҳа, қадимий Қашқа воҳасида ушбу монументнинг ўрнатилиши бутун эл-юртимиз, вилоят аҳли қалбига чуқур акс садо берди, гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди. «Меҳнаткаш халққа эҳтиром» рисолиси ана шу тарихий лавзаларни муҳрлаб қолдиргани билан қимматлидир.

Н. ҲАМРОЕВ.

## Болалар спорти

Ён кўшимиз Муртазо аханий Дилмурод исини ўғли бўли. Унинг бўш вақтларида спорт билан шуғулланишни, турли совринлар олганлигини эшитардим. Буни қарангки, Дилмурод яқинда математика фанидан ўтказилган фан олимпиадасида ҳам голибликни қўлга киритибди. Ундан бу ютуғининг боисини сўраганимда, шундай деди: — Спорт билан мунтазам шуғулланаётганим ёрдам берди.



# Соғлом фикр Соғлом инсондан чиқади

Бир қарашда, спортнинг математикага нима алоқаси бор? Чуқурроқ ўйлаб қаралса, бор экан. Ҳамиша танасини чинқирган одам руҳан тетик,

ахиллик кучаяди. Айниқса, ўғил болалар спорт майдонларида мардлик мактабини ўтади. Спортда кийинчиликини кўргани учун бир бурда нон қаердан келишини, бу ҳаётнинг оғирликларини тушунади, ота-онасини ва ёрдам бершига, уй-рўзгор ишларига қаршига ҳаракат қилади», — деб алоҳида таъкидлаганди Президентимиз.

Умуман, 2003-2006 йиллар мобайнида жами 543 та спорт мажмуаси қурилди. Улар босқич-ма-босқич жиҳозлар билан таъминланиб бормоқда. Ўтган йили фойдаланишга топширилган иншоотларга эса 2,3 миллиард сумлик спорт ускуналари етказиб берилди.

Бунёд этилган замонавий спорт иншоотларида болажонларимиз спортнинг барча турлари бўйича мусобақаларда иштирок этаётгани барчамизни қувонтиради. Маълумотларда қайд этилишича, 2006 йилда жойларда 1216 та спорт мусобақаси ўйотирилди. Уларда олти юз мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди. Мамлакатимизда таъминланиши — бу болажонларимизга қаратилган эътибор маҳсулидир. Келинг, маълумотларга диққатингизни қаратайлик.



Кузатишлардан маълум бўлдики, спорт билан доимо ошно тутинган болаларнинг бирор-бир ноҳия ишларга қўл урганлиги кузатилмаган.

Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизнинг деярли барча худудларида замонавий спорт мажмуалари қад ростлади. Уларнинг аксарияти аҳоли зич жойлашган қишлоқларда қурилаётди. Мухими, мажмуаларда минглаб болажонларимиз ўз саломатликларини яхшиламоқдалар.

Таъкидлаганимиздек, бундай натижаларнинг қайд этилиши бежиз эмас. Замонавий спорт иншоотларининг бунёд этилиши, уларнинг янги жиҳозлар

билан таъминланиши — бу болажонларимизга қаратилган эътибор маҳсулидир. Келинг, маълумотларга диққатингизни қаратайлик.


Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси матбуот қизматида олинган маълумотларга қараганда, биргина ўтган 2006 йилда мамлакатимизда манзилли дастур асосида 164 та спорт иншооти фойдаланишга топширилди. Шулардан 137 таси, яъни 85 фоиз кишлоқ жойларга тўғри келди.

Умуман, 2003-2006 йиллар мобайнида жами 543 та спорт мажмуаси қурилди. Улар босқич-ма-босқич жиҳозлар билан таъминланиб бормоқда. Ўтган йили фойдаланишга топширилган иншоотларга эса 2,3 миллиард сумлик спорт ускуналари етказиб берилди.

Бунёд этилган замонавий спорт иншоотларида болажонларимиз спортнинг барча турлари бўйича мусобақаларда иштирок этаётгани барчамизни қувонтиради. Маълумотларда қайд этилишича, 2006 йилда жойларда 1216 та спорт мусобақаси ўйотирилди. Уларда олти юз мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди. Мамлакатимизда таъминланиши — бу болажонларимизга қаратилган эътибор маҳсулидир. Келинг, маълумотларга диққатингизни қаратайлик.

2 фоизга ўсишга эришилганлигини кўрсатади.

Мамлакатнинг узоқ-узоқ худудларида спортни оммавийлаштириш, болаларни, айниқса, қизларни спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бугун чекка қишлоқларга ҳам спортнинг нафис тури — бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси кириб бормоқда. Бухоронинг Ромитан, Пешку, Ғиждувон, Вобкент туманларида,



Жорий йилда манзилли дастур бўйича яна 174 та спорт мажмуаси қурилиши кўзда тутилган. Демак, юртимизда ёш авлод саломатлиги йўлида олиб борилаётган ишлар давом этаверади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.  
**Темури ҚУРБОНОВ**  
олган суратлар.

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 8 январдаги

**«Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги**

ПК-556-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ, Абдулла Қаҳҳор ҳайкалининг лойиҳасини яратиш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов голиби 500 000 сўм пул мукофоти билан тақдирланади.

Муддат — 2007 йил 20 февраль.

Зарур бўлган барча маълумотларни Бадий академия котибиятидан олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй. Телефон: 153-34-07.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

2006-2007 ўқув йилида бакалаврият ва магистратура битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида «Битирувчи — 2007» тадбирини ўтказиш. Сизни қизиқтирган йўналиш (мутахассислик) битирувчилари билан мулоқот қилиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент ш., Амир Темури к., 108-уй. Телефон: 138-64-18. Факс: 135-10-40.

№	Таълим йўналиши номи	Бакалаврият																				Магистратура																			
		Битирувчиларнинг умумий сон		Қорақалпоғистон Республикаси		Андижон		Бухоро		Жиззах		Навоий		Наманган		Самарқанд		Сирдарё		Сурхондарё		Тошкент		Фарғона		Хоразм		Қашқадарё		Тошкент ш.											
1.	Касб таълими (информатика ва ахборот технологиялари)	21	26	1	0	0	0	2	0	1	0	0	0	0	0	1	1	0	0	0	0	4	2	0	0	0	0	2	3	10	20										
2.	Касб таълими (телекоммуникация)	23	15	0	1	1	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	4	0	7	2	0	0	0	1	0	0	11	10									
3.	Иқтисодиёт	24	68	1	1	1	1	0	1	0	0	0	1	0	1	1	4	0	1	0	2	3	5	1	0	0	3	4	14	46											
4.	Менежмент	24	46	0	0	0	1	0	2	0	0	0	2	1	1	0	2	0	0	0	0	0	2	1	0	2	4	2	0	18	32										
5.	Информатика ва ахборот технологиялари	110	223	2	1	5	2	8	6	3	4	7	7	5	1	3	3	2	0	3	8	4	30	2	1	6	2	17	15	43	143										
6.	Радиотехника	29	35	1	3	0	0	1	2	0	0	2	0	0	1	1	2	0	0	1	2	6	1	0	0	1	3	2	17	18											
7.	Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш	51	80	0	2	2	2	3	1	1	1	2	2	0	0	3	2	1	2	1	2	9	15	1	0	0	1	4	4	24	46										
8.	Телекоммуникация	92	181	1	5	6	6	6	3	2	3	3	2	2	1	1	5	0	1	0	2	11	16	8	7	2	3	4	7	46	120										
9.	Ахборот хавфсизлиги	11	26	0	0	1	2	0	0	1	2	0	0	1	1	0	1	0	1	0	0	4	5	0	1	0	0	2	2	2	11										
10.	Электрон тижорат	16	26	0	0	0	1	2	1	0	0	2	0	1	0	1	0	0	1	0	0	2	6	1	1	1	0	0	1	6	15										
11.	Почта хизмати	27	25	0	0	0	0	1	0	0	0	0	2	2	0	0	1	0	0	0	0	2	7	4	1	0	0	2	2	13	15										
<b>ЖАМИ</b>		<b>428</b>	<b>750</b>	<b>6</b>	<b>13</b>	<b>16</b>	<b>15</b>	<b>23</b>	<b>16</b>	<b>8</b>	<b>10</b>	<b>18</b>	<b>17</b>	<b>10</b>	<b>6</b>	<b>12</b>	<b>20</b>	<b>3</b>	<b>6</b>	<b>9</b>	<b>16</b>	<b>53</b>	<b>93</b>	<b>16</b>	<b>10</b>	<b>14</b>	<b>14</b>	<b>36</b>	<b>39</b>	<b>204</b>	<b>476</b>										
1.	Тармоқлар иқтисодиёти	3	5																			1	1	1						1	4										
2.	Менежмент (соҳалар бўйича)	3	10																						1					2	10										
3.	Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлари ва тармоқлари	5	6									1																2		5	6										
4.	Бошқариш ва ахборотга ишлов бериш технологиялари	6	13																									1	1	5	6										
5.	Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлари ва тармоқларини математик ва дастурий таъминлаш	5	14			1								1														1	3	10											
6.	Амалий информатика	1	3																												1										
7.	Биотехник тизимларнинг техник ва дастурий таъминоти	2	3																											2	2										
8.	Касб-хунар фанларини ўқитиш методикаси (информатика ва ахборот технологиялари)	4	4																											2	3										
9.	Радиотехника қурилмалари ва алоқа воситалари	3	10			1																1	2							1	5										
10.	Мобиль алоқа тизимлари	3	13																											3	11										
11.	Алоқа тармоқлари, узеллари ва ахборот тақсимоти	6	24			1																							1	3	21										
12.	Касб-хунар фанларини ўқитиш методикаси (телекоммуникация)	3	4																											1	3										
13.	Ахборот хавфсизлиги (тармоқлар бўйича)	4	10					1	1																					2	5										
14.	Электрон тижорат (тармоқлар бўйича)	4	8																											2	3										
<b>ЖАМИ</b>		<b>178</b>	<b>127</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>3</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>4</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>5</b>	<b>9</b>	<b>3</b>	<b>2</b>	<b>1</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>4</b>	<b>29</b>	<b>89</b>																

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСАЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Набатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.  
Набатчи — М. Оқунова.  
Мусахҳах — М. Ёқубова.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45  
Топширилди — 21.30 12345